# Qishloq HAYOTI

2005 YIL 6 DEKABR, SESHANBA

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 148 (6.985). Sotuvda erkin narxda


*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

**ҚАРОРИ**

## 2005 йил 11 декабр якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабр жумага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабр жумага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 декабр

## Куннинг муҳим воқеалари

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Россиянинг «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаскани қабул қилди.

● Қозоғистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида 4 декабр куни Қозоғистонда ўтказилган президент сайлови натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компаниясида мазкур компания ҳамда «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари, Савдо-саноат палатаси таркибидаги истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи юздан ортиқ корхона маҳсулотларининг келгуси йил учун улгуржи ва чакана савдо ярмаркаси очилди.

● Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида неврологиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Фарғонада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн уч йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони якунланди.

● Халқаро ногиронлар куни арафасида Андижон вилоятининг қатор шаҳар ва туманлари бўйлаб хайрия автопойгаси бўлиб ўтди.



Пахтакорлик Бахтиёр Умрзоқов фермер бўлгач, тилга тушди, ном қозонди. Унинг 14 гектар ери бор. Жорий йил шунинг ярмида ғалла, қолганига ғўза парваришлади. Меҳнат қилганга ер ҳам қайишар экан. Ҳар иккаласидан ҳам шартномавий режа 130 фоизга бажарилди.

–Келгуси йил ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик кўрдик, - дейди фермер. – Мана, кузги озиқлантиришларни ҳам ниҳояладик. Ниятимиз келгуси йил ғалладан 60 центнердан сара дон олиш.

СУРАТДА: фермер Бахтиёр Умрзоқов.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*

**ҚАРОРИ**

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 10-бандига ва 93-моддасининг 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилганидан кейин Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Жазони ўтаётган, бироқ мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор - ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди - ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 4 ва 5-қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно.

8. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 декабр




***Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, қишлоқда янги мулкдорлар синфини шакллантиришга Президентимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу борада зарур шарт-шароитлар яратилаяпти. Натижада замин эгалари қисқа вақтларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи кучга айланди. Таъбир жоиз бўлса, қишлоқ мулкдорлари жамиятимиз тараққиётининг таянч устунларидан бири бўлиб қолди. Буни ҳозирги пайтда республикамизда фаолият кўрсатаётган 126 мингдан ошиқ фермерларнинг амалга ошираётган ишларидан ҳам кўриш мумкин. Улар ўз тасарруфларидаги 3 миллион 666 минг гектар ер майдонидан омилкорлик билан фойдаланиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришаяпти. Қулоғигача қарзга ботган ширкатлар негизида юзага келган фермер хўжаликлари беқиёс афзалликларга эга эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.***

Мустақиллик шарофати билан бошланган фермерлик ҳаракати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланганлиги, фермерларга минерал ўғит, ёнилғи, техника воситалари етказиб бериш, кредит ажратиш ва бошқа молиявий масалалар изчил ижобий ҳал этилаётганлиги туфайли 2005 йили мамлакатимизда етиштирилган асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ғалла ва пахтанинг 65-70 фоизи улар улушига тўғри келди.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

Тўғри, авваллари ширкат деган тушунча умумийликни билдирарди. Бу ҳол айримларда лоқайдлик кайфияти пайдо бўлишига олиб келганлиги ҳам сир эмас. Оддий деҳқондан тортиб, ширкат хўжаликлари раҳбарларигача ўша пайтда жорий этилган пайчилик усули мазмун-моҳиятини етарлича англаб етмадилар. Оқибатда бу усул ҳам ўзини тўла оқламади. Кейинги йиллар тажрибаси эса қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олиш, ерни яшнатиш, гуллатишга ишбилармон фермерларгина қодир эканлигини кўрсатди. Фермерлик аграр тармоқ ривожида ҳал қилувчи омил эканлиги яққол аён бўлиб қолди.

Бугун ерни тендер асосида танлов йўли билан тарқатишни ошкора тарзда ўтказишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зотан, ерни кимга бераётганини, ризқ-рўзимиз манбаи кимнинг қўлига ўтаётганини билмасдан, унинг масъулиятини етарлича ҳис қилмасдан бу ишга бош-қош бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, экин майдонлари танлов асосида ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ихтиёрига берилмоқда. 1999-2005 йилларда 447 та ана шундай қишлоқ хўжалиги корхоналари тугатилиб, 25035 фермер хўжалиги ташкил этилди. Бугун ушбу жараён янада масъулиятли босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини (ширкатларни) фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги 215-сонли қарорига биноан 428 ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг ерлари фермерлар тасарруфига берилади. Бу ерларда 20 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этиш кўзда тутилган.

Хўжаликларни тугатиш, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш – масъулиятли ва мураккаб жараён. Шунинг учун ҳам туман ва вилоят ҳокимликларида шу ишга масъул бўлган комиссиялар тузилган. Фермер хўжалигини ташкил этиш учун танловда қатнашиш истагида бўлган 30 мингдан ортиқ талабгор тегишли комиссияларга ариза билан мурожаат этдилар. Кўриниб турибдики, танловда иштирок этиб, мулкдор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар кўпчиликни ташкил этаяпти.

Энг аввало, жойлардаги ҳокимлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганларидек, бу борада **ҳақиқат нури, адолат ёруғлигини таъминлай олишлари,** масалага ҳалол ва виждонан ёндашган ҳолда фермерликни ташкил этиш, ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишлари лозим. Бу борада кўзбўямачилик, таъмагирлик иллатларига берилиб, одамларга гўёки шахсий томорқасини улашаётгандек муносабатда бўлиш ҳар қандай раҳбар учун ўта уятли ва кечириб бўлмас ҳолат саналади. Қолаверса, бу ҳол эл-юрт равнақига, ислоҳотлар ривожига нисбатан тўғаноқ эканлигини англаб етишимиз лозим.

Очиғи, фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкат хўжаликларида шу кеча-кундузда амалга оширилаётган тадбирларнинг ошкоравийлиги, танловни холис ва адолатли ўтказиш юмушларининг дастлабки натижалари қаноатланарли даражада эмас. Ишчи кучи нисбатан сийрак жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида ҳозиргача фермер бўлиш ниятида бир ўринга тўртта ариза берилган бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 2,7, Хоразм вилоятида 2,3 ни ташкил этди. Аҳоли нисбатан зич яшайдиган Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Бу ҳол маҳаллий ҳокимликлар, тузилган танлов комиссиялари томонидан омма ўртасида тушунтириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаётганлиги, мазкур жараёнга аҳолининг барча қатламлари етарли даражада жалб этилмаётганлиги, рақобат муҳити яратилмаётганлигидан далолат беради.

Ер ажратиш, уни тақсимлаш бу масалага ҳамиша масъулият билан ёндашишни, холис ва адолатли бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жойлардаги танлов комиссиялари ҳар бир талабгорнинг тажрибаси, билими ва бошқа имкониятларини тўла ҳисобга олиши, чиқарилаётган хулоса жамоатчилик орасида ошкор қилинишига эришиши зарур.

Кейинги тўрт-беш йилда ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш борасида асосан ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, айрим нуқсонларга йўл қўйилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунончи, дастлабки йилларда баъзи жойларда деҳқончиликдан яхши хабардор бўлмаган, бу ишга шунчаки ҳавасманд бўлган айрим одамлар ҳам ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этишди. Аммо улар бир-икки йилдаёқ бу борада уқувсиз эканликларини кўрсатиб қўйишди. Оқибатда шу вақт давомида ернинг умри беҳуда ўтди, белгиланган шартнома шартлари уддаланмади. Масалан, 2005 йили республикамиз бўйича фермерлар томонидан пахта хомашёсини сотиш бўйича тузилган 8563 та шартнома бажарилмай қолди. Яъни, ушбу фермер хўжаликлари давлатга контрактация шартномасида кўзда тутилганидан 150,7 минг тонна кам пахта сотишди. Бундай фермерлар Навоий вилоятида 87, Наманган вилоятида 324, Самарқанд вилоятида 311, Сирдарё вилоятида 1127, Тошкент вилоятида эса 1097 тани ташкил этади. Ачинарлиси шундаки, 2005 йили пахта хомашёси сотиш юзасидан шартнома тузган 103 та фермер хўжалиги умуман маҳсулот топширмади. Улар томонидан режадаги 2259 тонна пахта хомашёси қабул пунктларига етказилмади. Амалдаги тартиб-қоидалар бундай фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш юзасидан тузилган шартномаларни бекор қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам айни пайтгача ўзибўларчилик кайфиятида иш тутган бир қатор ҳафсаласиз фермерлардан ер қайтариб олинди.

Яна бир муаммо кишини жиддий ташвишга солади. Яъни, маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятсизлиги сабабли ўша хўжалик ёки қишлоққа умуман алоқаси бўлмаган, қандайдир йўллар билан катта сармоя тўплаган кимсаларнинг энг унумдор ва серсув ерларга эга чиқишиб, фермер хўжаликлари ташкил этганликларидан ҳам кўз юмолмаймиз. Бунинг оқибатида ўша хўжаликда узоқ йиллардан бери деҳқончилик соҳасида ишлаб келаётган тажрибали кишилар ерсиз қолишган.

(Давоми 2-бетда)

## Мустақиллигимиз ва эркин ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси

***Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини кўтаринки руҳда нишонлаш арафасида турибди. Бу қутлуғсананинг аҳамияти ва қадри йиллар ўтгани сайин ўзининг улуғворлиги билан янада яққолроқ намоён бўлиб бораверади. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Конституциямизнинг истиқлолимиз ва истиқболимиз ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.***

**8 ДЕКАБР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

- Мустақиллик шарофати билан 1992 йил 8 декабрда ўзимизнинг янги Конституциямизга эга бўлдик, - дейди Б.Мустафоев. - Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. У Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Албатта, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси аввало унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Шу маънода, Ўзбекистон Конституцияси - Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Конституцияни яратиш тарихига тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳужжат лойиҳаси устида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги нуфузли комиссия икки йил давомида ишлади. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, билдирилган фикрлар билан бойитилди, сайқал топди.

(Давоми 2-бетда)

**МУЛОҲАЗА**

## "Тунги қаҳвахона"

***- Ишдан чарчаб келганимгами, кўзим илинган экан, бирдан уйғониб кетдим, - деб қолди таниш дўстлардан бири. - Яқиндагина кўчиб келган янги қўшнимизнинг уйидан зиёфат бўлаётгандай куй аралаш суҳбат, кулги эшитиларди.***

Бироз тин олдиму, бунинг радио эканини англадим, бошловчи телефонда бир ўсмир йигит билан радиомулоқот қиларди, очиғи "ҳи-ҳи, ҳо-ҳо" гурунг, десам муболағаси йўқ. Хуллас, қўшнимизникида деярли кеча-кундуз "зиёфат". Кейин билсам, юқори синфда ўқийдиган қизининг хона деразаси биз томонда экан. Шу-шу бўлди-ю, куни бўйи тинмайдиган радиотўлқинларни "кундузги бар", сутка давомида эшиттириш берадиган радиотўлқинларни "Тунги қаҳвахона", деб атайдиган бўлдим.

Чиндан ҳам радио ва телеканалларнинг эрта тонгдан тунгача (баъзилари кеча-кундуз) тинимсиз ишлаши шартмикин, савияси паст эшиттириш ва кўрсатувлар кўпайиб кетгани шундан эмасмикин, деган савол туғилади. Оз бўлса ҳам соз бўлгани нафақат фойдали, балки безарар ҳам эмасми? Табиийки, айтадиган тайинли гапи бўлмаган кишининг эл олдига чиқиб оғиз жуфтлашидан маъни йўқ, беҳудага одамларнинг вақтини олиб, чарчатади, холос. Деярли кун бўйи, асосан ўсмирлар, ёшлар билан тўғридан-тўғри мулоқот уюштириб, бугун қандай овқат еганигача сўраб, икки ўртоқ гаплашадиган майда-чуйда гапларни республика аҳолиси тинглайдиган эшиттиришга олиб чиқавериш ўринли бўлмаса керак.

(Давоми 4-бетда)


## «Qishloq hayoti» газетасига



2006 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144


**БОЛАЛАР СПОРТИ**

***Болалар спортини ривожлантириш ёш авлоднинг нафақат жисмонан, балки уларнинг руҳан тетик ва соғлом бўлишини ҳам таъминлайди.***

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Ўғил-қизларимизнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланишлари учун янги-янги иншоотлар, мажмуалар қад кўтарди. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам янги мажмуалар ишга туширилиб, уларга болажонлар жалб этилмоқда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга бўлгани каби, ҳар қайси ўсмир ёшлар спорт билан шуғулланиш имконига ҳам эга бўлишяпти.

## Замонавий спорт анжомлари кўпаяди

Шу йил ёзда Сирдарё туманидаги 16-мактаб ёнида қурилаётган болалар спорт мажмуасини кўриб, ҳавасимиз ортганди. Волейбол майдонида ўйнаб юрган Мадина, Ўғилой, Муқаддас исмли қизлар билан суҳбатлашганимда, улар мана шу мажмуа қурилиши тезроқ тугашини кутаётганлигини айтишганди. 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муқаддас Ботирова "янги ўқув йилини сабрсизлик билан кутяпман.

(Давоми 4-бетда)


ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки


| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 511,3 ▼ - 3,9 | БЕНЗИН (80) 533,6 ▲ + 6,2 | БЕНЗИН (91) 600,6 ▲ + 50,6 | ДИЗ.ТОПЛИВО 338,5 ▲ + 2,9 | МАЗУТ 95,0 ▲ + 1,6 | СЖ.ГАЗ 413,5 ▼ - 15,4 | МАСЛО ХЛОПК. 848,4 ▲ + 2,4 | САХАР 672,0 ▲ + 16,6 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 14,0 |

# Ер эгаси эртага ким бўлади?



(Боши 1-бетда)

Адолат мезони бузилгани боис, аҳолининг бу масала учун масъул бўлган комиссияларга бўлган ишончига путур етди.

Дард устига чипқон, деганларидек, балл бонитети юқори бўлган ерлар ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа "дасти узун" идораларда масъул лавозимларда ишлайдиган шахслар "ҳомийлик" қиладиган фермер хўжаликлари ихтиёрига берилган. Бундай "эркатой" фермерлар моддий-техника таъминотида имтиёзларга эга бўлишар, пировардида эса улар даромадининг салмоқли қисми ана шу корчалонларга тегарди. Шунингдек, тендер ғолибларини аниқлашда холисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очиқ-ошкора танловлар ўтказиш ҳамда ер участкаларини ажратишда комиссиялар томонидан адолат мезонлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам сир эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича ташкил этилган комиссиялар томонидан 195 ҳолатда қонунсиз танловлар ўтказилган, 197 ҳолатда янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига нотўғри балл қўйилган, 614 ҳолатда танловга қўйилмаган талабгорларга ёзма жавоблар йўлланмаган. 31 ҳолатда эса комиссияларга талабгорлар томонидан қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланган. Ушбу рақамлар замирида айрим мутасадди кимсаларнинг манфаатпарастлиги, таъмагирлиги каби иллатлар ётганлиги кундай равшан. Шу ўринда Юртбошимизнинг ерни ҳақиқий эгасига топшириш борасида ҳақиқат ва адолат тамойилларига қатъий амал қилиш зарурлиги ҳақидаги гаплари нечоғли ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини теранроқ англаймиз.

Бундай қинғир ишлар ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар ўз навбатида юқори идораларга шикоятлар ёзилишига, текширувлар олиб борилишига сабаб бўлди. Эндиликда бу каби хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, уларнинг такрорланмаслиги учун қатъий чора-тадбирлар кўриш талаб этилади. Зеро, **ерга хиёнат – элга, халққа хиёнатдир.**

Шу ўринда аниқ ва ўринли савол туғилади: **хўш, ерни кимга берамиз, ернинг ҳақиқий эгаси ким? У ер билан тиллаша оладими? Билими, тажрибаси ва малакаси етарлими? Ақалли умрида бир бор қўлига кетмон ушлаб, астойдил меҳнат қилганми? Эртага ана шу муқаддас ер меҳнаткашга бериладими ёки мутасаддилар уни тақсимлашда яна айрим раҳбарларга ўхшаб пинҳона "иш" тутадиларми?**

Яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган йиллар давомида баъзи катта-кичик амалдорлар ўз мавқеидан фойдаланиб умумхалқ мулкига кўз олайтирдилар. Улар таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар гирдобига тушиб қолишди. Аслида саховатли заминимиз пешона терини тўкиб ишлаган, уни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан етарлича тўйдирган, агротехника қоидалари асосида ишлов берган деҳқонни ҳеч қачон алдамайди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Мамлакатимиз Президенти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг салмоғини ошириш нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, айниқса, деҳқонларга ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда, қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимлиги, бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини уқтирган эдилар.

Халқимизнинг "Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади" деган содда, жайдари фалсафаси мавжуд. Чунки ер ҳам тирик жон, у ҳақиқий деҳқоннинг меҳрига, парваришига эҳтиёж сезади. Қолаверса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлмиш она заминни парваришлаш иқтисодиётимиз равнақининг ҳам энг муҳим омилларидан биридир. **Буни чин маънода қўли кетмон кўрган, ер билан тиллаша оладиган деҳқонгина яхши тушунади.**

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида тарихий жараён кечаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса ўз-ўзидан халқимиз турмуш даражасининг ўсиши, унинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз беришини ҳам англатади. Шу маънода, фермерларга ерни тақсимлаш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш, бу борада ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик нечоғли аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мумкин.

Баъзи мансабдор шахсларнинг таъмагирлиги, нафс йўлида энг муқаддас тушунчаларни ҳам оёқости қилишгача бориб етиши оқибатида талон-торожлик, ўғирлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган бундай қинғирликларга эса асло чидаб бўлмайди. Афсуски, бундай нохуш ҳолатлар ҳанузгача давом этмоқда. Хусусан, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги F.Жўраев номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича тузилган комиссия томонидан танлов ўтказиш тартиби кўп ҳолларда бузилган. Комиссия котиби вазифасига нотўғри тайинланган мазкур хўжалик бош ҳисобчиси Р.Алиасқаров талабгор Ҳ.Баҳромовнинг балларини сунъий равишда 11 баллга пасайтириб, расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритган. Вилоятнинг Пахтаобод туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида эса талабгор К.Супургибековнинг баллари оз эмас-кўп эмас, 20 баллга пасайтирилиб, у танловга қўйилмаган. Танловда иштирок этмаган З.Розиқов ва Б.Раҳимовлар эса ғолиб, деб топилган. Бундан ташқари, танлов якунланган бўлишига қарамасдан, комиссия раиси ва аъзолари ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда 1-лойиҳа бўйича талабгор сифатида қатнашган С.Аҳмедовни Низом талабларига зид равишда ғолиб, деб эълон қилишган. Ушбу ҳолатлар юзасидан комиссия раислари А.Расулов, А.Шоввозов, котиби Р.Алиасқаров ва бошқаларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Туман ҳокимларининг мазкур фермер хўжаликларига ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинди.

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани ҳокимининг тегишли қарорлари билан "Туркистон", Амир Темур номли, Ж.Маҳмудов номли ширкат хўжаликларида 311 гектар ер танлов ўтказилмасдан, 8 та фермер хўжалигига ноқонуний равишда ажратиб берилганди. Яхшиям, бундай ғайриқонуний ишлар вақтида аниқланиб, мазкур қарорлар туман прокурори протестлари билан бекор қилинди. Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси У.Турсунқулов, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Д.Аҳмедов ҳамда ер ресурслари хизмати бошлиғи К.Ўсаровларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Танлов комиссиялари фаолиятида ошкоралик таъминланганида, жамоатчилик назорати қатъий йўлга қўйилганида эди, фермер бўлиш орзусида юрган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларига путур етишига йўл қўйилмаган бўларди.

Бундай нохуш мисоллар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам тилга олиб ўтилди. Вилоятдаги мансабдор шахслардан 17 нафари, жумладан, 5 нафар ҳокимлик идоралари ходими, икки нафар ширкат хўжалиги раиси ва 10 нафар бошқа мутасаддилар томонидан 822 гектардан зиёд ер майдонлари қонунга зид равишда уларнинг ўз яқинлари ва таниш-билишларига бўлиб берилган. Жумладан, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Мирбобоев сохта ҳужжатлар асосида ўз отаси номига 112 гектар ер ажратган. Қибрай туманидаги "Жомий" акциядорлик жамияти раиси Файзуллаев фуқаро Раҳмоновдан 4 гектар ер ажратиб бериш учун 1 миллион 200 минг сўм пора олаётганида ушланган.

Ҳақиқий раҳбар эса шу юрт, шу халқ, шу Ватан меники, унинг равнақи ва келажаги учун қайғуриш менинг бурчим, вазифам деб билади. Бу йўлда қийинчиликлардан чўчимай, одамларнинг кайфиятини кўтариш, бахт-истиқболини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатади. Табиийки, бундай улуғ мақсадлар билан ишлаётган раҳбарлар доимо халқ томонида, адолат тарафида бўлади.

Маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, танлов ташкилотчилари ерни ўз тарафдорларига, яқинларига пинҳона ажратишга эмас, балки чинакам тендер танлови асосида асл деҳқонга беришга бош-қош бўлишлари лозим. Бунинг учун талаб этиладиган ҳар бир ҳудуднинг жуғрофияси, аҳоли зичлиги, барча мавжуд шарт-шароитлар улар эътиборида бўлиши керак. Ошкоралик руҳида ўтган танлов эса одамларда норизо кайфият пайдо бўлишига йўл қўймайди. Чунки фермерчиликни ривожлантириш, ерни ўз эгасига одиллик билан топшириш юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга нисбатан одамлар ишончини янада оширади. Кишиларнинг фаровонлик ва тўкин-сочинликка бўлган эҳтиёжи айнан мана шу жараёнда ўз аксини топади. Шу боис ушбу жараёнда жамоатчилик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган, тажрибали деҳқонлар фаол иштирок этиб, унинг холис ва адолатли ўтишида ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари керак.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кечаётган ушбу муҳим жараён матбуотимизда тўла-тўкис ўз аксини топмаяпти. Аслида ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришдек тарихий ва ўта масъулиятли тадбирнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушунтириш, жойларда бу борада адолат қарор топишига эришиш ниҳоятда муҳимдир. Асосийси, бу жараённинг матбуот ва телевидение орқали халқимизга тушунтиришда ва уни ҳаққоний ёритилишини таъминлашга жиддий аҳамият бериш лозим. Шу мақсадда ташкил этилган тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат жамоатчилик гуруҳлари куни кеча жойларга жўнаб кетишди.

Уларнинг олдига қўйилган асосий вазифа – бевосита тугатилаётган ширкат хўжаликларига бориб, тугатиш комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишиш, фермерликка ўтиш бўйича амалга оширилаётган тайёргарлик ишларини кўздан кечириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг бу масъулиятли жараёнга қай даражада жавобгарлик билан ёндашаётганини, тендер танловларида иштирок этаётган талабгорларни пухта ўрганиш ва қолаверса, Президентимиз талаб қилаётганларидек, бу жараёнда адолат мезонининг бузилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, буни кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир. Гарчи, тендер танловлари бироз чўзилса-да, бунинг натижасида ернинг ҳақиқий эгасини топишида қўшимча имконият яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этаётган фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бугун ниҳоятда долзарб вазифага айланган. Ҳар бир мутасадди раҳбар, жойларга юборилган жамоатчилик гуруҳлари вакиллари бу борадаги ўта муҳим вазифаларга нисбатан масъулият ва жавобгарлик билан ёндошишлари талаб этилади.

Керак бўлса, ҳар биримиз заҳматкаш деҳқон руҳиятида ерга эгалик ҳиссини уйғотиш йўлида жонбозлик кўрсатишимиз шарт. Зеро, фермерлик юртимиз равнақининг таянч устунларидан биридир. Асосий бойлигимиз бўлган ернинг эртанги эгаси – **уни бутун вужуди билан севадиган, деҳқончилик сир-асрорларидан бохабар, фидойи ва тадбиркор киши бўлгандагина, иқтисодиётимиз янада равнақ топиб, халқимизнинг бундан-да фаровон яшашига мустаҳкам асос яратилади.**

**Ў.РАҲМАТ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# А Х Б О Р О Т

*(иккинчи кун)*

***2005 йил 3 декабр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Бу қонун электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги, яъни тўлов тизимининг аъзолари билан тўлов тизимидан фойдаланувчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Мазкур Қонуннинг айрим моддалари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга бағишланган. Атрофлича муҳокама этилганидан сўнг Қонун маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳокама этилди ва маъқулланди. 2006 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур Қонунда экология солиғини ва айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек иш ҳақи фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи унинг ўртача ва энг юқори ставкаларини камайтириш ҳисобига ўзгартирилмоқда.

Сенат давлат бошқарув органларининг, хусусан тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашда, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда муҳим роль ўйнаётган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунларни кўриб чиқди. Шу муносабат билан Сенат «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Франция Республикасидаги, Қувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасига тайинлади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Украинадаги, Франция Республикасидаги ва Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасидан озод қилди.

Ялпи мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**(ЎзА)**

# Мустақиллигимиз ва эркин ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг Конституция яратиш тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топди. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституцияда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, аввалambor, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра бутунлай янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикр илгари сурилган.

Конституциямиз, унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Бошқача айтганда, давлатимизнинг ҳуқуқий тизими марказида Конституция туради. Демак, давлатимиз фаолиятида қонунийликнинг амал қилиши учун асосий манба ҳам Бош Қомусимиздир.

Истиқлолнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган кенг қўламдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Мазкур жараёнда давлат ва жамият қурилишига доир ислоҳотларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Конституциямизда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу принципга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият умумдавлат вакиллик органи ҳисобланиб, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқаради. Бу ҳокимиятни Олий Мажлис амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Булардан фарқли равишда, суд ҳокимияти, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилади. Айни пайтда, суд ҳокимияти юқорида тилга олинган ҳар икки ҳокимиятдан, шунингдек, сиёсий партиялар, бирлашмалардан мустақил ҳолда фаолият юритади.

Кези келганда, Конституциямизда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

2004 йилнинг декабрида Ўзбекистонда илк маротаба икки палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Бу улкан ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеа мамлакатимизнинг очиқ, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан оғишмай бораётганини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш этди. Унда сайловчиларнинг 85 фоизидан ортиғи қатнашди. Айниқса, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги ўринлар бўйича кескин рақобатда, округларнинг деярли 77 фоизида, бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Сайловда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи қатнашди.

Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўла мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганини жаҳон афкор оммасига рўй-рост намоён этди.

Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг замонавий тизимини шакллантиришга эришилди. Бу эса Президентимиз Ислом Каримовнинг демократик жамият асосларини қуришга қаратилган қатъий, изчил сиёсатининг самараси сифатида рўёбга чиқди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорликнинг, мамлакатда туб ўзгариш ва янгиланишларга кенг имкониятлар туғдирган ислоҳотларнинг меъмори ва асосчисидир.

**- Конституциянинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир», дейилган...**

- Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарув усулининг Президентлик бошқарув модели, яъни, шакли қарор топдики, бу мазкур замонавий бошқарув тизимининг ўзаги ҳисобланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республикамизнинг қатъий позициясидир.

Бу, таъбир жоиз бўлса, ўтмиш йилларининг хатоларини, давлат тизимининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу - таркиб топган ижтимоий воқеликка нисбатан берилган баҳо. Бу - Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилиши инъикосидир.

Халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланган Президент давлат раҳбари сифатида ҳукуматни тузади ва унинг фаолиятини бошқаради. Ҳукумат эса Президент сиёсатини амалга оширади.

Президентлик бошқарув шакли мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилишида асосий кафолат вазифасини ўтамоқда. Президентлик бошқаруви туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви жадаллашди, мамлакатни тоталитар тузумга томон буриб юборувчи чекланиш ва хатоликлар бартараф этилди. Энг муҳими, инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари тўла рўёбга чиқишига ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Халқимизнинг мустақиллик учун, озод ҳаёт учун олиб борган курашлари осон кечгани йўқ. Ўтган ўн тўрт йилда рўй берган воқеалар мамлакатимизда Президентлик институти жорий этилгани нақадар тўғри бўлганини исботлади. Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг халқаро тан олинган андозаларига ўтилгани, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ривожлантирилгани, бошқарувнинг демократлаштирилаётгани шундан далолатдир.

**- Бўритош Мустафоевич, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир конституциявий қоидаларнинг мазмун-моҳиятини ҳам шарҳлаб берсангиз.**

- Даставвал, Конституциямизда ана шу уч муҳим институт - фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Асосий Қонунда қайд этилганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қимммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси - фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Ушбу принцип шуни англатадики, барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ўз галида, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу - ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Юртбошимизнинг ушбу теран фикрларида давлат қурилишининг асосий йўналишлари аниқ таърифлаб берилган. Зотан, давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни либераллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилаши боис, мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун кенг имкониятлар туғилди.

Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, сиёсий партияларнинг фаоллашувига шарт-шароитлар яратилди.

Бу эса ўз-ўзидан давлатнинг назоратчилик вазифаси аста-секин камайиб, айни масъулият жамоатчилик зиммасига ўтишига, яъни жамоат назорати кучайиб бориши орқали фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий талаблари адо этилишига замин ҳозирлади.

Мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди.

**- Конституциянинг ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришга доир ислоҳотларда тутган ўрни ҳамда аҳамиятига тўхталсангиз.**

- Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Шу маънода, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Асосий Қонунимизга киритилган мазкур тузатишлар, бир томондан, Конституциямизнинг нечоғли барқарор эканлигидан далолат, иккинчи томондан, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги йирик қадам бўлиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Бугун Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши соҳасида ўз тараққиётининг муҳим босқичига кирди. Мамлакатимизда тадрижий равишда ва изчиллик билан амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатининг самараси ўлароқ, мамлакат Президентининг айрим ваколатлари ҳукумат, Олий Мажлис ҳамда қуйи маҳаллий ҳокимият бўғинларига ўтмоқда. Айниқса, бу ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларига давомли тарзда ўтаётгани чинакам фуқаролик жамиятини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидандир. Ислом Каримов 2005 йил 18 январь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида эътироф этганидек, ўтган сайловлар халқимиз сиёсий савияси етуклигини намоён қилди.

Мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлган бу сиёсий тадбир Конституциямизда белгилаб қўйилган қоидаларга тўлиқ мос тарзда ўтгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эга. Сайлов жараёнларида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаоллиги, айниқса, кўзга яққол ташланди. Сайловларда иштирок этган барча партиялар парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил қилишга эришгани ҳам шундан далолатдир.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш сиёсатининг яна бир қирраси - истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун бу соҳадаги демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий намунасидир.

Кейинги йилларда муайян жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилгани жиноий жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил, тадрижий ва узлуксиз давом эттирилаётганини кўрсатади. Президентимизнинг 2003 йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармони билан жиноий қонунчиликка муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Конституция қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган «Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, ислоҳот - инсон учун» деган ғоя суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар учун ҳам бош мезонга айланди. Шахс дахлсизлигини кафолатлаш, инсон ҳуқуқининг суд томонидан таъминланишига эришиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги босқичидаги асосий вазифалар этиб белгиланди.

Бу йўлдаги эзгу интилишларимиздан кўзланган асл мақсад-муддаоларимиз Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлди.

Юртдошларимиз Президент фармонларининг моҳияти ва аҳамиятини теран англаб, уларни ҳамжиҳатлик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Зотан, бу фармонлар замирида, аввалambor, инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик каби халқимиз табиатига мос олижаноб фазилатлар мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва натижаларимиз, ўз навбатида, ҳар биримиздан жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда ўз ҳиссамизни қўшишни талаб қилмоқда, бунёдкорлик саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришни ҳамда бошлаган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Халқимиз ўзи орзу қилган буюк марраларга етишида Асосий Қонун - Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаверади.

**ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

МУКА 1 сорт 201,9 ▲ + 1,9 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,09 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 1260,0 ▲ + 339,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1237,5 ▲ + 243,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 1018,6 ▼ - 307,4 | КАРБАМИД 149,9 ▼ - 0,3

